

Олтинчи салб юриши



13:52 / 30.10.2023 1733

(1228-1229)

Папалар Гонорий III ва Григорий IX (1227-1241) босими остида Германия императори, Қудус тахти ворисаси Иолантанинг эри Фридрих II (1220-1250) 1228 йилнинг ёзида Фаластинга юриш қилди. Ал-Комилнинг Дамашқ ҳукмдори билан низосидан фойдаланиб, у Миср султони билан иттифоқ тузди. Улар ўртасида тузилган ўн йиллик тинчлик сулҳи шартига кўра, ал-Комил барча христиан асирларни озод қилди ва Қудус қироллигига Қудус, Байтуллаҳм, Назарет ҳамда Байрутдан Яффагача бўлган денгиз соҳилини қайтариб берди, Муқаддас ер христиан ва мусулмон зиёратчилари учун бирдек очиқ бўлди. 1229 йил 17 мартда Фридрих II тантанали равишда Қудусга кириб келди, бу ерда тож кийиб, кейин Италияга жўнаб кетди.

«Олам ва одам, дин ва илм» китоби асосида тайёрланди

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 5 октябрдаги 03-07/7619-рақамли хулосаси асосида тайёрланди.